

МОБИЛ АЛОҚА ХИЗМАТЛАРИДАН ОЛИНАДИГАН ДАРОМАДЛАР ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

СамИСИ доц.в.б., PhD У.А.Ширинов

Аннотация:Мақолада телефон хизматларини кўрсатувчи корхоналарда даромадлар ҳисоби таснифи ва тавсифи, уларни тан олиш меъзонлари ва бухгалтерия ҳисоби счётларида акс эттирилиши ёритилган.

Калим сўзлар: Телефон хизматлари, даромадлар, маҳаллий телефон алоқаси, мобил алоқа операторларини улаш, шаҳарлараро ва ҳалқаро телефон алоқаси, интернет ва маълумотларни узатиш тармоғи.

Аннотация:В статей освещена вопросы классификация и характеристика учета доходов на предприятиях оказывуешех телефоний услуги, критерии их признание а также отражения их на счетах бухгалтерских учета.

Ключевые слова: телефонные услуги, местные телефонные связ, подключить мобильной связи, междугородней и международной телефонной связ, интернет и передачи данных сети.

Abstract:The articles refreshed questions classification and characterization of income enterprises telephony services, the criteria for their recognition as well as their reflection in the accounts.

Keywords: telephone service, local telephone service, connect the mobile, long distance and international telephone services, Internet and data transmission network.

Мобил алоқаси хизматларини кўрсатувчи корхоналарда хизматлар турларининг хилма хиллиги улардан олинадиган даромадларнинг ҳам хилма хиллигидан дарак беради. Бу эса уларнинг тасниф ва тавсифига қараб гуруҳларга тўғри ажратишни талаб қилади. Даврий адабиётларда мобил алоқаси хизматлари даромадлари таснифи, тавсифи, уларни тан олиш меъзонлари етарлича ўз аксини топмаган.

Фикримизча, мобил алоқа хизматлари даромадлари бу сигналлар, белгилар, матнлар, тасвирлар, товушлар ёки ахборотнинг бошқа турларини фойдаланувчига узатгандан сўнг олинадиган моддий наф.

Мобил алоқа хизматларини кўрсатувчи корхоналарда даромадларни икки гуруҳга ажратиш мумкин, жумладан асосий фаолиятдан олинадиган даромадлар ва асосий бўлмаган фаолиятдан олинган даромадлар.

Мобил алоқа хизматларини кўрсатувчи корхоналарда даромадларни куйидагича таснифлаш мумкин (1 расм).

Мобил алоқа хизматларини кўрсатувчи корхоналарда даромадларнитан олишининг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Хусусан корхона миждозлардан олдиндан тўловларни қабул қилиш орқали хизмат кўрсатади. Корхона даромадини миждозлар уларнинг хизматларидан фойдаланганидан сўнгина тан олади.

Телефон сўзлашувларидан олинадиган даромадларга миждоз тўлови ҳамда сўзлашувлар вақтига қараб тарифларда келтирилган нархлар асосидаги жаси сумма киради. Хар бир телефон корхонасининг хусусиятидан келиб чиқган ҳолда кунлик ёки бўлмасам ойлик миждоз тўлови мавжуд. Телефон сўзлашувларидан олинадиган даромадларни (Д) ҳисоблаш учун куйидаги формуладан фойдаланиш мумкин:

$$Д=Мт+Фд*Тн$$

Бу ерда: **Мт** – мижоз тўлови, **Фд** – бойдаланилган дақиқа, **Тн** – бир дақиқанинг тариф нархи.



1 расм. Мобил алоқа хизматларини кўрсатувчи корхоналарда даромад турлари

Каналлар ижарасидан олинadиган даромадлар тарифлар асосида аниқланади. Тарифлар каналнинг қанақ турлигига, узатиш масофаси ва узатилган тезлиги асосида корхона томонидан ишлаб чиқилади.

Интернет хизматларидан олинadиган даромадларни икки тури мавжуд, жумладан (1) интернет тўплам харид қилиш ва (2) ишлатилган интернет учун тўлов.

Интернет тўпламлари корхона томонидан ишлаб чиқилади (50 мб, 100 мб, 500 мб, 1000 мб ва хаказо) ва хар бир тўпламга алоҳида нархлар белгиланади. Мижоз ўзига тегишли тўпламни харид қилади ва бир ой давомида тўплам амал қилади. Тўплам мижоз томонидан харид қилинган вақтдан корхона даромадини тан олади.

Агарда мижоз тўплам харид қилмаган бўлса ёки харид қилинган тўпламдан фойдаланиб бўлинган бўлса унда ишлатилган хар бир мб учун

белгиланган тарифлар асосида мижоз ҳисобидан маблағ олинади. Интернет хизматларидан олинаниган даромадларни (Д) ҳисоблаш учун қуйидаги формуладан фойдаланиш мумкин:

$$Д=Ит +Фмб*Тн$$

Бу ерда: **Ит** – интернет тўплам нархи (агарда тўплам харид қилинмаган бўлса $Ит=0$), **Фмб** – дойдаланилган мб, **Тн** – бир мбнинг тариф нархи.

Бухгалтерия ҳисобига оид меъёрий ҳужжатларда ва махсус адабиётларда қуйидаги таърифларни бериш фойдадан холи бўлмайди, деб ҳисоблаймиз.

Фикримизча, мобил алоқа хизматлари даромадларини таснифлаш, тан олиш, аниқлаш, ҳисоб-китоб қилиш ва улар ҳисоби методологик асосларини такомиллаштиришга оид юқорида билдирилган таклиф ва тавсияларимиз ушбу соҳада ҳозирги кунда мавжуд бўлган муаммоларни ҳал қилишга имкон беради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. O'Ktamovich, P. L. X., & Boxodirovich, E. F. (2022). RAQAMLI IQTISODIYOTNI RIVOJLANTIRISHDA BUXGALTERIYA HISOBNI O'RNI. *Journal of marketing, business and management*, 1(2), 120-124.
2. Po'Latov Xudoyberdi, O. K. (2022). BUXGALTERIYA HISOBIGA RAQAMLI TECHNOLOGIYALARNI JORIY ETISH YO'LLARI. *Journal of marketing, business and management*, 1(1), 37-40.
3. Пўлатов, Х. Ў. (2021). ACCOUNTING ACCOUNTS IN WHOLESALE ENTERPRISES. *Экономика и социум*, (4-2), 318-323.
4. Пўлатов, Х. Ў. (2021). DIRECTIONS TO IMPROVE TURNOVER ACCOUNTING IN ENTERPRISES OF DIFFERENT ACTIVITIES. *Экономика и социум*, (5-2), 186-189.
5. Vaxromovich, U. K. (2021). Risk Assessment and Internal Control System in Audit. *Academic Journal of Digital Economics and Stability*, 7, 1-5.
6. Keldiyorqizi, U. S. (2021). The role of international audit standards on the audit of oil and gas companies in Uzbekistan. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(3), 1346-1351.
7. Хусанов, М. (2021). Махсус саволлар бўйича ўтказиладиган аудиторлик текширувларининг ташкилий ва методологик асослари. *Общество и инновации*, 2(4/S), 564-571.
8. Хусанов, М. Х. (2021). THE NEED FOR A SPECIAL QUESTION-LIKED AUDIT. *Экономика и социум*, (5-2), 539-543.
9. БҲХС 1 «Молиявий ҳисоботни тақдим этиш»
10. БҲМС № 2 «Асосий хўжалик фаолиятидан олинган даромадлар». Ўз. Р. Адлия вазирлигидан 1998 йил 26 августда рўйхатга олинган, № 483
11. Уразов К.Б. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида бухгалтерия ҳисобининг назарий ва методологик муаммолари. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация, 2006, 169-170 б.
12. Исроилов Б.И. Солиқлар ҳисоби ва таҳлили: муаммолар ва уларнинг ечимлари. Монография. – Т.: Ўзбекистон, 2006, 157-б.
13. Тулаходжаева М.М., Тухсанов Х.А. Финансовый учет. Уч. пос. – Т.: АПБДУ, 2001, 60-б.